

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

ОРТИКОВ ИЛҲОМЖОН СОБИРОВИЧ

**2Н, -ОКСО, -ТИОКСО-5,6-ДИМЕТИЛТИЕНО[2,3-d]ПИРИМИДИН-4-
ОНЛАРНИНГ КИМЁВИЙ ЎЗГАРИШЛАРИ**

02.00.03-Органик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
chemical sciences**

Ортиков Илхомжон Собирович

2H, -Оксо, -тиоксо-5,6-диметилтиено[2,3-d]пиримидин-4-онларнинг
кимёвий ўзгаришлари..... 3

Ортиков Илхомжон Собирович

Химические превращения 2H, -оксо, -тиоксо-5,6-диметилтиено[2,3-
d]пиримидин-4-онов..... 23

Ortikov Ilkhomjon

Chemical transformations of 2H, -охо, -thioxо-5,6-dimethylthieno[2,3-
d]pyrimidin-4-ones 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

ОРТИКОВ ИЛХОМЖОН СОБИРОВИЧ

**2Н, -ОКСО, -ТИОКСО-5,6-ДИМЕТИЛТИЕНО[2,3-d]ПИРИМИДИН-4-
ОНЛАРНИНГ КИМЁВИЙ ЎЗГАРИШЛАРИ**

02.00.03-Органик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/К34 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ik-kimyo.nuuz.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Элмуратов Бурхон Жўраевич
кимё фанлари номзоди, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Маҳсумов Абдулҳамид Гофурович
кимё фанлари доктори, профессор

Холиқов Турсунали Суюнович
кимё фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент фармацевтика институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc27.06.2017.K.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (99871)227-12-24, факс (99824)246-53-21; 246-02-24. e-mail:chem0102@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (99871) 227-12-24, факс (99824) 246-53-21; 246-02-24. e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х.Т. Шарипов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, к.ф.д., профессор

Д.А. Гафурова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к.ф.д.

А. К. Абдушукуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда пиримидин халқаси сақловчи табиий ва синтетик гетероциклик бирикмалар кенг тарқалган бўлиб, улар ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги ва тиббиётда қўлланилаётган кўпгина препаратлар таркибига киради. Мана шундай бирикмалар қаторига синтетик тиено[2,3-d]пиримидин-4-онлар (ТП), уларнинг аналоглари ва ҳосилаларини киритиш мумкин. Шу сабабли органик кимё соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар натижасида молекуласида ТП ҳалқасини сақлаган гетероциклик бирикмалар орасида турли фармакологик фаол препаратларнинг кўпайиб бораётганлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Бугунги кунда жаҳонда муҳим масалалардан бири потенциал фаол гетероциклик бирикмалар, хусусан 5,6-диметилтиено[2,3-d]пиримидин-4-онлар, уларнинг ҳосилаларининг электрофил ва нуклеофил реагентлар билан ҳосил қилган маҳсулотларининг тузилишини аниқлаш ва истиқболли моддаларни мақсадли синтез қилиш ҳамда улар асосида самарали биологик фаол препаратлар яратишдан иборат. Жумладан, бициклик 5,6-диметилтиено[2,3-d]пиримидин-4-онларнинг янги ҳосилаларини замонавий органик синтез усуллари ёрдамида олиш, биологик фаолликларини аниқлаш ва улар асосида фармакологик фаоллиги юқори бўлган препаратлар яратиш бўйича илмий тадқиқотлар бажарилмоқда.

Республикамизда маҳаллий хомашёлар асосида дори воситаларини яратишни ривожлантириш йўналишида илмий изланишларни юқори даражада ташкил этиш ва фармацевтика бозорини сифатли дори воситалари билан таъминлаш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва натижада рақобатбардош препаратларни ҳам табиий хомашёлар ҳам синтетик органик кимё маҳсулотлари асосида яратиш борасида муҳим натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «Фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари билан таъминланишини яхшилаш» вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, бициклик тиенопиримидин-4-онлар ва уларнинг янги ҳосилаларини муқобил синтези, тузилиши ва реакцион қобилиятини ўзига хос жиҳатларини аниқлаш, ҳамда таркибида янги фармакофор гуруҳлар ва фрагментлар бўлган биологик фаол моддаларни яратишга йўналтирилган илмий-амалий тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ 3983-сонли «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2017 йил 23 августдаги ПФ-3236 сонли «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури» тўғрисидаги Қарорлари, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

«Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони, шунингдек мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. Тиббиёт ва фармакология, VII. Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тиено[2,3-d]пиримидин-4-онлар соҳасида тадқиқотлар деярли 50 йил аввал бошланган. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида бу синф бирикмалари асосидаги изланишлар жадал олиб борилмоқда. Хусусан, хорижлик олимлар – К.С. Patel, V.К. Shravan, A. D. Mishra, K.S. Rajan, M Salahuddin, S.D. Sharma, O. G. Shaaban, H.H. Sayed, M.A. Naser, A.B. El-Gazzar, A. E. Rashad, В.П. Литвинов, А.С. Норовян, С.Г. Казарян, Ш.Ф. Акопян ва бошқалар би- ҳамда трициклик 5,6-диметилтиено[2,3-d]пиримидин-4-онларни ва уларнинг турли ҳосилаларини синтези, модификацияси ҳамда биологик фаолликларини ўрганиш билан шуғулланган. Республикамизда мазкур йўналиш ривожига Х.М. Шахидоятлов, Н.Д. Абдуллаев, М.Шодиев, Б.Ж. Элмурадов, Б.Ташходжаев, М.Г. Левкович, Б.А. Ураков, Н.И. Мукаррамов, Х.А. Бозоров ва бошқалар ўз изланишлари билан тиено[2,3-d]пиримидин-4-онлар синтези, реакциялари ва биологик фаоллигини аниқлаш муаммоларини ҳал этишга ўз ҳиссаларини қўшган.

Ушбу изланишларга қадар 2Н-, -алкил-, оксо-, -тиоксо-5,6-диметилтиено[2,3-d]пиримидин-4-онларнинг самарали синтези, алкил гуруҳларининг электрофил *инсо*-алмашиниш / оксидланиш реакциялари, оддий ва фазалараро катализ (ФАК) шароитида алкиллаш (пропаргиллаш), бинуклеофил (гидразин) фрагменти сақлаган ҳосилаларни карбонил бирикмалар билан *E*-изомерли гидразонлар ёки гетероциклизация маҳсулотлари ҳосил бўлиш реакциялари ўрганилмаган. Шунинг учун, ушбу реакцияларни қиёсий ўрганиш ва маҳсулотлар тузилишини аниқлаш, истиқболли моддаларнинг мақсадли синтезини амалга ошириш янги ва биологик фаол бирикмалар яратиш нуқтаи-назаридан мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўсимлик моддалари кимёси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг КА-9-002: “Қишлоқ хўжалиги, чорвачилик ва паррандачиликда қўллаш учун юқори самарали маҳаллий антигельминт препарат Хиназол ва Госсипрен озуқа концентратини яратиш” (2015-2017 йй.) амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади 2Н-, -алкил-, -оксо-, -тиоксо-5,6-диметилтиено[2,3-d]пиримидин-4-онларни янги ҳосилаларининг синтез усулларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни физик-кимёвий ва биологик хоссаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

2Н-, -алкил-, -оксо-, -тиоксо-5,6-диметилтиено[2,3-d]пиримидин-4-онларнинг синтезини муқобил шароитларини яратиш;

2-Оксо-, тиоксо-6-метилпиримидин-4-онларни турли алкил-галогенидлар билан алкиллаш ва ҳосил бўладиган изомерлар нисбатига таъсир этадиган асосий омилларни аниқлаш;

2Н-, -оксо-, -тиоксо-, -алкилтио-5,6-диметилтиено[2,3-d]пиримидин-4-онларни оддий ва ФАК шароитида алкиллаш ва пропаргиллаш;

2Н-, -алкил-, -алкилтио-, -оксо-, -тиоксо-5,6-диметилтиено[2,3-d]пиримидин-4-онлар каторида турли шароитларда нитроловчи аралашма билан *инсо*-нитролаш / оксидлаш реакцияларини қиёсий ўрганиш, ҳамда маҳсулотлар турига ва унумига таъсир этувчи омилларни аниқлаш;

4-хлор-, -гидразинил-, 2,4-дихлор-5,6-диметилтиено[2,3-d]пиримидин-4-онларнинг синтезини ҳамда уларнинг нуклеофил ва карбонил бирикмалар билан реакцияларини амалга ошириш;

синтез қилинган бирикмалар орасидан биологик фаол моддаларни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2Н-, -алкил-, алкилтио-, -оксо-, -тиоксо-5,6-диметилтиено[2,3-d]пиримидин-4-онлар, уларни алкиллаш, *инсо*-алмашиниш / оксидланиш, галогенлаш маҳсулотлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети муқобиллаштирилган усуллар ёрдамида синтез қилинган 2-амино-3-этоксикарбонил-4,5-диметил-, 4-метил-5-этоксикарбонилтиофенлар, булардан олинган 2Н-5,6-диметил-, 2Н-5-метил-6-этоксикарбонилтиено[2,3-d]пиримидин-4-онлар, ҳамда 2Н-, -алкил-, -оксо-, -тиоксо-5,6-диметил-3,4-дигидротиено[2,3-d]пиримидин-4-онларни ва булардан олинган янги бирикмаларни электрофил ва нуклеофил реагентлар билан таъсирдан олинган моноалкил, диалкил, пропаргил, 5-нитро-, -карбокси- ва 4-хлор ҳосилалар ҳамда 4-гидразинил-, -алкокси-, -амино-бирикмалар, янги гидразонлар ва бу маҳсулотларни олишнинг шароитлари, физик-кимёвий ва биологик хоссаларини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Нозик органик синтез усуллари, ИҚ-, ¹Н ва ¹³С ЯМР-спектроскопия, масс-спектрометрия, рентген тузилиш таҳлили (РТТ), хроматография (юпқа қатламли (ЮҚХ) ва колонкали хроматография), квант-кимёвий ҳисоблашлар (Hartree–Fock (HF) ва DFT/B3LYP-3-21G) ҳамда биологик тадқиқот усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор 2Н-, алкил-, алкилтио-, -оксо-, -тиоксо-5,6-диметилтиено[2,3-d]пиримидин-4-онларнинг электрофил ва нуклеофил реагентлар билан реакциялари амалга оширилган ҳамда жараёнларнинг боришига таъсир этувчи асосий омиллар аниқланган;

2Н-, алмашган-5,6-диметилтиено[2,3-d]пиримидин-4-онларни оддий ва ФАК шароитларида алкиллаш (пропаргиллаш) реакциялари олиб борилган ва селектив моно- ёки диалкил-ҳосилалар ҳосил бўлиши аниқланган;

2Н-, алмашинган-5,6-диметилтиено[2,3-d]пиримидин-4-онлар нитро-

ловчи аралашма билан реакцияларида ^1N ва ^3N да Н атоми бўлиши прототроп таутомерия туфайли *инсо*-нитролаш содир бўлишига, алкил гуруҳлари бўлиши эса 5-метил гуруҳларининг карбон кислоталаргача оксидланишига олиб келиши аниқланган;

дастлабки тиенопиримидин-4-онларнинг карбонил гуруҳлари фосфороксихлорид таъсирида осон нуклеофил алмашилиш реакциясига киришиб молекуласида хлор атоми тутган реакцион фаол ҳосилаларга олиб келиши ва уларнинг турли нуклеофил реагентлар билан борадиган реакцияларига таъсир этувчи омиллар аниқланган;

илк бор гидразин (бинуклеофил) фрагменти сақлаган 2Н-4-гидразинил-5,6-диметилтиено[2,3-d]пиримидиннинг (ди)карбонил бирикмалар билан реакциялари *E*-изомер шаклдаги гидразонлар ёки гетероциклизация маҳсулотлари ҳосил бўлиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

2-амино-4,5-диметилтиофен карбон кислота этил эфири, 2-амино-4-метил-3,5-тиофен дикарбон кислота диэтил эфири, 2Н-5,6-диметилтиено[2,3-d]пиримидин-4-он ва 2Н-5-метил-6-этоксикарбонилтиено[2,3-d]пиримидин-4-он, 2-оксо-5,6-диметилтиено[2,3-d]пиримидин-4-онларни синтез қилишнинг самарали усуллари яратилган;

2-амино-4,5-диметилтиофен карбон кислота этил эфирининг турли нитриллар билан хлорид кислота иштирокидаги *кўп-компонентли бир босқичли синтез* усули ёрдамида 2-алкил(фенил)-5,6-диметилтиено[2,3-d]пиримидин-4-онлар синтез қилиш усули ишлаб чиқилган;

юқори реакцион фаолликка эга гуруҳлар сақлаган муҳим синтонлар - 2-алкил(аллил)тио-3-пропаргил-5,6-диметил-, 5-нитро-6-метил-, 5-карбокси-3,6-диметил-, 2-оксо-5-нитро-6-метил-, 2-тиоксо-5,6-динитро-, 2-оксо-3,6-диметил-5-нитро-, 2-оксо-5-карбокси-1,3,6-триметил-, 2-метилтио-6-метил-5-нитро-, 2-метилтио-3,6-диметил-5-карбокси-, 2Н-4-хлор-5,6-диметил-, 2,4-дихлор-5,6-диметил-, ва 2Н-4-гидразинил-5,6-диметилтиено[2,3-d]пиримидинларни олишнинг самарали усуллари яратилган;

2Н-4-гидразинил-5,6-диметилтиено[2,3-d]пиримидиннинг (ди)карбонил бирикмалар билан таъсирдан *E*-изомер шаклдаги гидразонлар ёки гетероциклизация маҳсулотлари синтез қилиш усуллари ишлаб чиқилган;

олиб борилган тадқиқотлар натижасида микроб ва бактерияларга қарши яхши фаолликка эга бўлган моддалар борлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий ИҚ-, ^1H ва ^{13}C ЯМР-спектроскопия, масс-спектрометрия, рентген тузилиш таҳлили (РТТ), хроматографик (ЮҚХ, колонкали), биологик ва бошқа тадқиқот усулларида олинган натижалар асосида ишончли тарзда таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, илк бор систематик тарзда 2Н-, алмашган-5,6-диметилтиено[2,3-d]пиримидин-4-онлар ҳамда уларни ҳосилаларининг электрофил ва нуклеофил алмашилиш реакциялари олиб борилган ва жараёнларга таъсир этувчи асосий омиллар аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти синтез қилинган бирикмалар орасида микробларга ва бактерияларга қарши яхши фаолликка эга моддалар борлиги, шунингдек алкил, пропаргил, нитро, карбокси, хлор, алкокси ва гидразинилтиено[2,3-d]пиримидин-4-онларнинг синтез усуллари яратилиши ҳамда тадқиқотлар натижасида 76 та бирикма синтез қилиниши ва улардан 65 тасининг янги эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотларнинг жорий қилиниши. 2Н-, алмашган-5,6-диметилтиено[2,3-d]пиримидин-4-онлар ва уларни ҳосилаларининг самарали синтез усуллари ва модификациялари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

5,6-диметилтиено[2,3-d]пиримидин-4-онларни нитролаш реакциялари ВА-ФА-Ф-11-110 рақамли «Ацетиламинобензимидазол асосида юқори самарали антигельминт препарат олиш технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳада бензимидазол ҳосилаларига нитро гуруҳ киритишда фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2019 йил 03 июндаги 4/1255-1617 сон маълумотномаси). Натижада нитрогуруҳ сақлаган потенциал биологик фаол бирикмалар олишнинг самарали усуллари яратиш имконини берган;

2Н-, алмашган-5,6-диметил-ТПларни *inco*-нитролаш / оксидлаш маҳсулотлари синтези ва модификациясидан ФА-Ф7-Т207 рақамли «Биологик фаол гетероциклик бирикмалар молекуласида асимметрик марказ ҳосил қилишнинг назарий муаммолари» мавзусидаги фундаментал лойиҳада янги С-С боғлари тутган ТП ҳосилаларини синтез қилишда фойдаланилган (Фан ва Технологиялар агентлигининг 2017 йил 18 декабрдаги ФТА 02-11/1322-сон маълумотномаси). Натижада гетероциклик бирикмалар молекуласида асимметрик марказ ҳосил қилиш имконини берган;

5,6-диметилтиено[2,3-d]пиримидин-4-онларни *inco*-нитролаш/ оксидланиш реакцияларидан 2013FFGB0002 рақамли лойиҳада тиено[2,3-d]пиримидин-4-онларни янги ҳосилаларини синтез қилишда фойдаланилган (Синцзьян физика ва кимё техника институти маълумотномаси, Хитой). Натижада нитролаш усуллари яратиш ва муҳим функционал гуруҳлар (нитро, амина) сақлаган билдинг-блоклар олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та, жумладан 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 2 та мақола республика, 5 та мақола хорижий ва халқаро журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 123 бетни ташкил этади².

²Муаллиф ЎзР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институтининг бош илмий ходими, кимё фанлари доктори, профессор Х.М. Шахидоятовнинг (1941-2015 йй.) диссертация ишини бажарилишида кўрсатган ёрдами учун ўзининг самимий миннатдорчилигини билдиради.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тиено[2,3-d]пиримидин-4-онлар синтези ва кимёвий ўзгаришлари**» га бағишланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Маълумотлар умумлаштирилган ва илмий-таҳлилий хулосалар чиқарилган ҳамда илмий адабиётлардаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда диссертация ишининг мақсади, вазифалари, долзарблиги ва муҳимлиги белгилаб берилган.

Диссертациянинг «**2Н, -Оксо, -тиоксо-5,6-диметилтиено[2,3-d]пиримидин-4-онларнинг кимёвий ўзгаришлари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот натижалари келтирилган.

2Н (Алмашган), -оксо, -тиоксо-5,6-диметилтиено[2,3-d]пиримидин-4-онларнинг синтези


Тадқиқотлар учун керак бўлган 2-амино-4,5-диметилтиофен карбон кислота этил эфири (**1**), 2-амино-4-метил-3,5-тиофен дикарбон кислота диэтил эфири (**2**) ва уларнинг ҳалқаланиш маҳсулотлари - 2Н, алкил-, -оксо, -тиоксо-5,6-диметилтиено[2,3-d]пиримидин-4-онлар (**3-6**) қулай ва муқобиллаштирилган синтез усуллари ёрдамида олинди. Хусусан, метилэтилкетоннинг циансирка эфири (ЦСЭ) ёки ацетосирка эфири (АСЭ) ва олтингугуртнинг 1:1:1 нисбатдаги аралашмасини диэтиламин иштирокидаги спиртда анча юмшоқ шароитда қиздириб (45-50°C, 3 соат) олиб борилди ва мураккаб эфирлар - **1** (86%) ва **2** (91%) жуда юқори унумлар билан олинди:



2Н-5,6-Диметилтиено[2,3-d]пиримидин-4-он (**3**) ва 2Н-5-метил-6-этоксикарбонилтиено[2,3-d]пиримидин-4-онни (**4**) синтез қилиш учун **1** ёки **2** ни 5 эквивалент формаид билан аралашмаси мой ҳаммомида 130-140°C да 2 соат қиздирилди. Бунда ҳам жуда юқори унумлар билан **3** (90%) ва **4** (85%) синтез қилинди. Олинган бирикмаларнинг (**1-4**) тузилиши спектрал усуллар билан тўлиқ тасдиқланди.

Тадқиқот натижаларини қиёсий олиб бориш учун 2-алкил(фенил)-5,6-диметилтиено[2,3-d]пиримидин-4-онлар (**5-10**) эфир (**1**) ва нитрилларни қўн-компонентли бир босқичли синтез усулидан фойдаланиб олинди. Реакциялар


HCl гази иштирокида хона ҳароратида 1.5-2 соат давомида олиб борилди ва тегишли моддалар (**5-10**) яхши унумлар билан олинди:



Уларнинг ¹НЯМР-спектрларида 6-CH₃ ва 5-CH₃ гуруҳлари (**5-10**) 2.34-2.41 м.у. ва 2.37-2.56 м.у. соҳаларда уч протонли синглет, ³NH-боғи протонлари 12.17-12.7 м.у.ларда бир протонли синглет (1H, с) ҳолида, бошқа сигналлар ҳам тегишли соҳаларда намоён бўлади. Адабиётларда **11** ва **12** анча паст унум билан (40-45%) олинган. Биз уларнинг синтез усулларига ўзгартиришлар киритиб, **11**-модда синтезида **1** ва мочевинанинг 1:7 нисбатдаги аралашмаси 210-230°C да 2 соат, **12**-модда синтезида эса **1** ва тиомочевинанинг 1:3 нисбатдаги аралашмасини нисбатан пастроқ (190-210°C) ҳароратда 2 соат қиздириб олиб борилди ва юқори унумлар билан маҳсулотлар (**11**, 82%; **12**, 75%) олинди.

Алкиллаш реакциялари. 2Н-5,6-диметилтиено[2,3-d]пиримидин-4-он (3) ва 2Н-5-метил-6-этоксикарбонилтиено[2,3-d]пиримидин-4-онни (4) алкиллаш.

3 ва **4** – бирикмаларни алкиллаш реакциялари алкилгалогенидлар билан 1:1.2 моль нисбатда поташ катализаторлигида абсолют ацетонда 6 соат қайнатиш билан олиб борилди:



Бу реакциялардан мақсад алкил галогенидларни реакция қобилиятини ўрганиш ва дастлабки моддалар (**3**, **4**) молекуласига реакция фаол фрагментларни (аллил, пропаргил, цианометил) киритиш эди (1-жадвал).

1-Жадвал


Олинган ³ N-алкил маҳсулотларнинг (13-24) баъзи физик-кимёвий катталиклари				
Бирикма	Брутто формула	*R _f	Суюқ.хар., °C	Унум, %
13	C ₉ H ₁₀ N ₂ OS	0.58 (A)	158-160	75
14	C ₁₀ H ₁₂ N ₂ OS	0.63 (B)	152-153	81
15	C ₁₁ H ₁₄ N ₂ OS	0.74 (B)	119-120	77
16	C ₁₁ H ₁₂ N ₂ OS	0.72 (B)	117-118	79
17	C ₁₁ H ₁₀ N ₂ OS	0.70 (A)	138-140	80
18	C ₁₀ H ₉ N ₃ OS	0.45 (B)	166-168	68
19	C ₁₀ H ₉ N ₂ O ₃ S	0.61 (A)	172-174	82
20	C ₁₂ H ₁₄ N ₂ O ₃ S	0.84 (B)	152-154	83
21	C ₁₃ H ₁₆ N ₂ O ₃ S	0.76 (B)	142-144	78
22	C ₁₄ H ₁₈ N ₂ O ₃ S	0.72 (B)	144-146	73
23	C ₁₃ H ₁₄ N ₂ O ₃ S	0.75 (B)	102-103	71
24	C ₁₃ H ₁₂ N ₂ O ₃ S	0.65 (A)	116-118	75

*Система: бензол:метанол – 3:1 (A) ва бензол:ацетон – 3:1 (B).

Натижада 2Н-3-алмашган-5,6-диметил- (13-18), 2Н-3-алмашган-5-метил-6-этоксикарбонил-[2,3-d]пиримидин-4-онлар (19-24) юқори унумлар билан олинди. Алкиллаш реакциялари осон кетади ва 3-алмашган маҳсулотлар (13-24) яхши унумлар (68-83%) билан ҳосил бўлади. Уларнинг ¹НЯМР-спектрларида ароматик Н-2 протони кучсиз (7.50-7.99 м.у.) соҳада бир протонли синглет, 6-СН₃ метил гуруҳи протонлари 2.39-2.42 м.у. да уч протонли синглет, 5-СН₃ метил гуруҳи эса 2.49-2.52 м.у. да уч протонли синглет ҳолидаги кимёвий силжишни намоён этади.

2-Алкил-5,6-диметилтиено[2,3-d]пиримидин-4-онларни метиллаш


Пиримидин ҳалқасининг 2-ҳолатида электродонор (алкил) гуруҳлари сақлаган моддалар қаторида “тузилиш-реакцион қобилият” ўзаро боғлиқликни аниқлаш учун 2-алкил-5,6-диметилтиено[2,3-d]пиримидин-4-онларни (5-8) метиллаш реакциялари олиб борилди. Реакциялар реагентларнинг 1:1.2 нисбатдаги аралашмасини абсолют ацетонда поташ иштирокида қиздириб олиб борилди ва 2-алкил-3,5,6-триметилтиено[2,3-d]пиримидин-4-онлар (25-28) яхши унумлар билан синтез қилинди:



Олинган моддаларнинг тузилиши замонавий физик-тадқиқот усуллари ёрдамида тўлиқ исботланди. Уларни ¹НЯМР-спектрида метил (6-СН₃ ва 5-СН₃) гуруҳларининг (25-28) сигналлари 2.35-2.37 м.у.ларда уч протонли синглетлар шаклида намоён бўлади. Шунингдек, маҳсулотларда ³N-Н га хос сигналлар кўринмайди ва 3.6 м.у. да ³N-СН₃ гуруҳи сигналлари (3Н, с), 2-ҳолатдаги С₁-С₄ алкил гуруҳлари сигналлари тегишли соҳаларда аниқланади.

2-Оксо- ва 2-тиоксо-5,6-диметилтиено[2,3-d]пиримидин-4-онларни оддий ва фазалараро катализ шароитида алкиллаш


Тадқиқотларимиз объектларини оддий (ацетон/К₂СО₃ ёки этанол/NaOH) ва фазалараро катализ (ФАК) (*Phase Transfer Catalyst - PTC*) шароитида олиб борилганда моно-алкил маҳсулотлар ва юқори унумлар билан тегишли 1,3-диалкил маҳсулотлар олинди. 11-моддани метиллаш реакцияси нисбатан “юмшоқ” марказга - ³N-азот атомига кетиб 2-оксо-3,5,6-триметилтиено[2,3-d]пиримидин-4-онни (29) ҳосил қилади:



Реакциялар реагентларнинг 11:СН₃І–1:1 нисбатдаги аралашмасини (2.5 экв. NaOH иштирокида) этанолда 80-85°Сда 8 соат қайнатиш билан олиб борилди ва 45% унум билан реакция маҳсулоти (29) олинди. 11 нинг этил-, *n*-пропил-, *n*-бутил йодидлар, этил бромид ва бензил хлорид билан реакцияларини фазалараро катализатор иштирокисиз ўрганилганда реакциялар кетмаслиги


кузатилди. Алкиллаш реакциялари метил йодид, этил бромид ва бензил хлорид билан тетрабутиламмоний бромид (ТБАБ) иштирокида реагентларнинг **11:RX:ТБАБ** – 1:2.2:0.4 нисбатларда олиб борилганда 51-75% унумлар билан $^1\text{N}, ^3\text{N}$ -диалкил маҳсулотлар (**30-32**) синтез қилинди ва олинган натижалар асосида тахминий реакция механизми тавсия этилди.

ФАК шароитда алкиллаш реакцияларида *n*-пропил- ва *n*-бутил йодидлар қўлланилганда бир вақтнинг ўзида $^1\text{N}, ^3\text{N}$ -ди(*n*-пропил-, *n*-бутил)-5,6-диметилтиено[2,3-*d*]пиримидин-4-онлар (**33, 34**) ва 5,6-диметил- ^4O -(*n*-пропилокси(*n*-бутилокси))- ^1N -(*n*-пропил(*n*-бутил)тиено[2,3-*d*]пиримидин-2-онларнинг (**35, 36**) аралашмаси ҳосил бўлишини кузатишимиз мумкин:



12 ни метил йодид, этил-, *n*-пропил-, аллилбромидлар ва бензил хлорид билан реакциялари олиб борилганда алкиллаш реакциялари **11**-бирикмдан фаркли равишда фақат битта марказга - S-атомига кетади ва тегишли 2-алкил(аллил, бензил)тио-ҳосилалар (**37-42**) яхши унумлар билан олинади. Бирикмаларнинг ^1H ЯМР-спектрлари таҳлили реакция натижасида $^1\text{N}, ^3\text{N}$ -диалкил маҳсулотлар (**33, 34**) билан бирга 10-15% $^4\text{O}, ^1\text{N}$ -диалкил маҳсулотлар (**35, 36**) ҳам ҳосил бўлганлигини кўрсатади.

2-Тиоксо-5,6-диметилтиено[2,3-*d*]пиримидин-4-онни (**12**) алкиллаш реакцияларини кислородли аналоги (**11**) билан таққослаш учун реакциялар ФАК шароитида ҳам ўрганилди:



2-Жадвал

Олинган бирикмаларнинг (**29-32, 37-45**) баъзи физик-кимёвий константалари


Бирикма	Брутто-формула	R _f (бензол:метанол – 3:1)	Суюқ.ҳар., °C	Унум, %
29	C ₉ H ₁₀ N ₂ O ₂ S	0.55	263-265	57
30	C ₁₀ H ₁₂ N ₂ O ₂ S	0.70	118-120	63
31	C ₁₂ H ₁₆ N ₂ O ₂ S	0.73	110-112	51
32	C ₂₂ H ₂₀ N ₂ O ₂ S	0.75	202-204	73
37	C ₉ H ₁₀ N ₂ OS ₂	0.73	273-275	78
38	C ₁₀ H ₁₂ N ₂ OS ₂	0.71	222-224	76
39	C ₁₁ H ₁₄ N ₂ OS ₂	0.70	178-180	61
40	C ₁₂ H ₁₆ N ₂ OS ₂	0.65	190-191	72
41	C ₁₁ H ₁₂ N ₂ OS ₂	0.67	158-160	77
42	C ₁₅ H ₁₄ N ₂ OS ₂	0.60	243-245	62
43	C ₁₀ H ₁₂ N ₂ OS ₂	0.82	228-230	84
44	C ₁₂ H ₁₆ N ₂ OS ₂	0.79	209-211	73
45	C ₂₂ H ₂₀ N ₂ OS ₂	0.80	110-111	51

Реакциялар реагентларнинг **12:алкилгалогенид**– 1:2.2 моль нисбатлардаги аралашмасини натрий гидроксид (1 экв.) иштирокида

бензол:сув (1:1, v:v) эритувчилари аралашмасида 6 соат давомида 45-50°C да қиздириш билан олиб борилди. Бунда реакция S- ва ³N-атомларига кетиб 51-84% унум билан диалкил маҳсулотлар (**43-45**) ҳосил бўлди (2-жадвал). **43-45**-бирикмаларни ¹НЯМР-спектри уларни тузилишини исботлайди.

2-Алкилтио-5,6-диметилтиено[2,3-d]пиримидин-4-онларни пропаргиллаш

Дастлабки тиено[2,3-d]пиримидин-4-онларнинг синтетик потенциалини ошириш мақсадида 2-алкилтио-5,6-диметилтиено[2,3-d]пиримидин-4-онларни (**37-41**) пропаргиллаш реакцияларини олиб бордик. Реакциялар **37-41**:пропаргил бромид – 1.0:1.2 нисбатлардаги аралашмасини куруқ поташ иштирокида абсолют ацетонда 55-60°C да 6 соат қайнатиб олиб борилди:



Натижада юқори (72-83%) унумларда 2-алкил(аллил)тио-3-пропаргил-5,6-диметилтиено[2,3-d]пиримидин-4-онлар (**46-50**) ҳосил бўлди (3-жадвал). Олинган бирикмаларнинг (**46-50**) тузилиши ИҚ- ва ¹НЯМР-спектроскопия усуллари ёрдамида ўрганилди.

3-Жадвал

Синтез қилинган 2-алкил(аллил)тио-3-пропаргил-5,6-диметилтиено[2,3-d]пиримидин-4-онларнинг (**46-50**) баъзи физик-кимёвий катталиклари


Бирикма	Брутто-формула	R _f (бензол:метанол- 3:1)	Суюқ. хар., °С	Унум, %
46	C ₁₂ H ₁₂ N ₂ OS ₂	0.78	134-136	83
47	C ₁₃ H ₁₄ N ₂ OS ₂	0.84	116-118	81
48	C ₁₄ H ₁₆ N ₂ OS ₂	0.82	78-80	76
49	C ₁₅ H ₁₈ N ₂ OS ₂	0.80	118-120	72
50	C ₁₄ H ₁₄ N ₂ OS ₂	0.86	104-106	78

Уларнинг ИҚ-спектрида учбоғ тутган углерод атомининг ≡C-H боғига тегишли ютилиш частоталари 3433-3444 см⁻¹ соҳада, C-Нарил боғлари – 3243-3285 см⁻¹ да, C≡C учбоғи эса- 2118 -2123 см⁻¹ да, карбонил гуруҳлари (C=O) эса 1675-1679 см⁻¹да, C-S-C фрагменти – 774-777см⁻¹ соҳада намоён бўлади. ¹Н ЯМР-спектрларида 5-CH₃ ва 6-CH₃ 2.40-2.45 м.у. ва 2.35-2.40 м.у. соҳаларда уч протонли синглет, терминал ацетилен (метин) протони 2.27-2.28 м.у. ларда бир протонли триплет, пропаргил фрагментининг метилен гуруҳи протонлари 4.90-4.92 м.у. аниқланади.

5,6-Диметилтиено[2,3-d]пиримидин-4-онлар қаторида электрофил ипсо-алмашиниш реакциялари

Маълумки, ипсо-алмашиниш / ёки оксидланиш реакциялари синтетик органик кимёда муҳим ўринга эга. Биз ипсо-нитролаш реакцияларини дастлаб 2Н-5,6-диметил- (**3**), 2Н-5-метил-6-этоксикарбонил-(**4**), 2Н-3,5,6-триметил- (**13**) ва 2Н-6-этоксикарбонил-3,5-диметилтиено[2,3-d]пиримидин-4-онлар (**19**) билан олиб бордик. Бунинг учун, **3,4** ва **13,19** бирикмаларнинг нитроловчи аралашма (**НА**) билан 1:2 ва 1:4 нисбатдаги аралашмасини 20°C, 50°C да 6, 48, 72, 96, 120, 144, 168 соат давомида олиб бордик. Реакциялар


икки (А ва Б) услубда олиб борилди. А услубда дастлабки моддалар (1 ммоль) концентирланган (93%) H_2SO_4 да паст ҳароратда (0-2°C) эритилиб, 2.2 ммоль концентирланган HNO_3 (58%) ва 0.5 мл концентирланган H_2SO_4 дан тайёрланган нитроловчи аралашма иштирокида, 1 соат муз ҳаммомида, кейин хона ҳароратида 1 кечага (12 соат) қолдирилади. Б услубда эса реакция аралашмага нитроловчи аралашма паст ҳароратда (0-2°C) қўшиб бўлингач 50°C да қисқароқ вақт (6 соат) қиздириб олиб борилади. Тажрибалар *инсо*-алмашиниш/ёки оксидланиш реакцияларини олиб бориш учун энг муқобил шароит: реагентлар нисбати - 1:4, ҳарорат 50°C, реакция давомийлиги эса 6 соат (Б услуб). Реагентлар нисбати, ҳарорат ва реакция давомийлигини оширилиши маҳсулот унумининг ошишига ёки реакция йўналишининг ўзгаришига олиб келмади:




Реакциялар натижасида региоселектив тарзда борадиган *инсо*-нитроланиш маҳсулоти - 5-нитро-6-метилтиено[2,3-*d*]пиримидин-4-оннинг (51) унуми 70% ни, оксидланиш маҳсулоти - 5-карбокситиено[2,3-*d*]пиримидин-4-оннинг (52) унуми эса 54% ни ташкил этади. Лекин, 6-ҳолатда COOEt гуруҳи тутган бирикмалар (4, 19) нитроловчи аралашма билан мазкур шароитда реакцияга киришмади. 5-Нитро-6-метилтиено[2,3-*d*]пиримидин-4-оннинг (51) ^1H ЯМР спектрида ^6C -метил гуруҳининг уч протонли синглети 2.97 м.у.да, Н-2 ва NH гуруҳларининг бир протонли синглетлари эса 8.06 м.у. (Н-2) ва 13.41 м.у.да (NH) кимёвий силжишга эга. Таъкидлаш керакки, дастлабки 3-моддага тегишли ^{13}C -метил гуруҳининг 2.48 м.у. (3H, c) сигнали реакция маҳсулотида учрамайди. Унинг ИҚ-спектрида NH боғининг ютилиш частотаси 3440 см^{-1} да, нитро (NO_2) гуруҳи эса 1505 см^{-1} соҳада намоён бўлиши, масс-спектрида (ESI-MS) молекуляр ионнинг (51, m/z 211 $[\text{M}]^+$, 2.8 %) мавжудлиги молекулада нитроланиш кетганлигини билдиради. Оксидланиш маҳсулотининг (52) ИҚ-спектрида карбоксил гуруҳини OH гуруҳи 3386 см^{-1} да, мураккаб эфир ($\text{O}=\text{C}=\text{O}$) боғи эса 1706 см^{-1} да ютилиш частотасига эга.

Бизгача 2-оксо-, тиоксо-5,6-диметилтиено[2,3-*d*]пиримидин-4-онларни (11, 12) тутовчи нитрат кислота (97-99%) ва сульфат кислоталар аралашмаси билан ўзаро таъсири қисман ўрганилган ва бунда 11-моддадан изомер *инсо*-нитролаш маҳсулотлари - 2-оксо-6-метил-5-нитро- (53, 40%) ва 2-оксо-5-метил-6-нитро-тиено[2,3-*d*]пиримидин-4-оннинг (54, 41%) 1:1 нисбатдаги аралашмаси ҳосил бўлган. Селектив тарзда моно- ва динитро-маҳсулотларни олиш мақсадида 11,12-бирикмаларни турли нисбатдаги (11,12 : HA - 1:1, 1:2, 1:4, 1:7, 1:10) аралашмасини турли ҳароратда (0°C, 25°C, 50°C) ва давомийликда (4, 12, 24, 48, 72 соат) олиб бордик. Таъкидлаш керакки, биз *инсо*-нитролаш реакцияларида концентирланган (58%) HNO_3 ва 93% ли H_2SO_4 дан ҳосил қилинган нитроловчи аралашмаларни қўлладик. Айтиш

лозимки, реагентлар нисбати, ҳарорат ва вақтнинг ўзгартирилиши маҳсулот турига ҳамда унумига таъсир этмайди ва тегишли *инсо*-нитролаш маҳсулотлари - 2-оксо-5-нитро-6-метилтиено[2,3-d]пиримидин-4-он (**53**, 66%) ва 2-тиоксо-5,6-динитротииено[2,3-d]пиримидин-4-он (**55**, 60%) (адабиётда 40%) яхши унумлар билан ҳосил бўлади:




Маҳсулотларнинг (**53**, **55**) тузилиши масс-, ИҚ- ва ¹НЯМР-спектрлар ёрдамида исботланди. Тадқиқотлар давомида 2-оксо-1,3,5,6-тетраметилтиено[2,3-d]пиримидин-4-оннинг (**30**) нитроловчи аралашма (НА) билан реакцияси А услубда олиб борилди:



Реакция натижасида оксидланиш маҳсулоти - 2-оксо-5-карбокси-1,3,6-триметилтиено[2,3-d]пиримидин-4-он (**56**) яхши унум билан ажратиб олинди. 2-Оксо-5-карбокси-1,3,6-триметилтиено[2,3-d]пиримидин-4-оннинг (**56**) ¹НЯМР-спектрида 6-СН₃ гуруҳи сигнали карбоксил гуруҳи таъсирида кучсизроқ майдонга (2.65 м.у., 3Н, с) силжишини, СООН гуруҳ протонининг бир протонли синглетини кучсиз соҳада (10.5 м.у.) (1Н, с) аниқлашимиз мумкин. Метил гуруҳларининг (¹Н-СН₃, ³Н-СН₃) сигналлари мос ҳолда 3.24 м.у. ва 3.44 м.у. да уч протонли синглет (3Н, с) ҳолида намоён бўлади.

Тадқиқотларимиз доирасини кенгайтириб, молекуласида S-СН₃ гуруҳи сақлаган 2-метилтио-5,6-диметилтиено[2,3-d]пиримидин-4-он (**37**) ва 2-метилтио-3,5,6-триметилтиено[2,3-d]пиримидин-4-онни (**43**) нитроловчи аралашма билан таъсирини олиб бордик. Реакциялар А услубда олиб борилди ва 2-метилтио-6-метил-5-нитротииено[2,3-d]пиримидин-4-он (**57**, 55%) ва 2-метилтио-3,6-диметил-5-карбокситииено[2,3-d]пиримидин-4-онни (**58**, 49%) ўртача унумлар билан ажратиб олишга муваффақ бўлинди:




4-Жадвал

Синтез қилинган бирикмаларнинг (**51-58**) баъзи физик-кимёвий константалари

Бирикма	Брутто-формула	R _f (бензол:метанол – 3:1)	Суюқ.хар., °С	Унум, %
51	C ₇ H ₅ N ₃ O ₃ S	0.25	310-311	70
52	C ₁₄ H ₁₄ N ₂ O ₅ S ₂	0.44	244-245	54
53	C ₇ H ₅ N ₃ O ₄ S	0.20	328-330	66
55	C ₆ H ₂ N ₄ O ₅ S ₂	0.37	350-351	60
56	C ₁₀ H ₁₀ N ₂ O ₄ S	0.60	162-164	63
57	C ₈ H ₇ N ₃ O ₃ S ₂	0.35	310-312	55
58	C ₁₀ H ₁₀ N ₂ O ₃ S ₂	0.45	165-167	49


57-Модданинг ^1H ЯМР-спектрида асосий ҳолатлардан бири дастлабки моддага (37) тегишли метил (5- CH_3) гуруҳининг тегишли 2.32 м.у. (3H, с) сигналининг йўқлигидир. Шунингдек, метилтио (S- CH_3) гуруҳи 2.52 м.у.да уч протонли синглет (3H, с), ^3N -Н амид гуруҳи протони эса жуда кучсиз соҳада (12.50 м.у.да) бир протонли синглет (1H, с) ҳолида намоён бўлади. Оксидланиш маҳсулотининг (58) спектрида ҳам дастлабки моддага (43) тегишли 5- CH_3 гуруҳининг сигнали (2.36 м.у, 3H, с) йўқолганлигини кўрамиз. Таъкидлаш керакки, *инсо*-алмашилиш реакцияларида пиримидин ҳалқасининг ^1N - ва ^3N -азот атомларида Н атоми ёки алкил гуруҳи мавжуд бўлиши реакциялар йўналишига сезиларли таъсир қилади. Шунинг учун, 3,11,12,13-бирикмалар мисолида электрофил *инсо*-алмашилишнинг тахминий механизмлари квант-кимёвий ҳисоблаш услублари ёрдамида ўрганилди. *Инсо*-нитролаш жараёнида 3-модда прототроп таутомерия туфайли ўзининг енол-шаклига (3а) ва у эса ўз навбатида нитроний катиони таъсирида N-протонланган нитрат катионига (А) ўтиши мумкин:



Бу катион *инсо*-нитроланишда потенциал интермедиат бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган σ -комплексга (В) айланиши ва бундан эса охириги босқичда тегишли 5-нитро-ҳосила (51) ҳосил бўлиши мумкин. Шундай қилиб, биз томонимиздан олиб борилган амалий тадқиқот натижалари квант-кимёвий ҳисоблаш маълумотлари асосида тасдиқланди.

Электрофил *инсо*-нитролаш маҳсулотларининг айрим кимёвий ўзгаришлари


Электрофил *инсо*-нитролаш маҳсулотларининг - 5-нитро-6-метилтиено[2,3-*d*]пиримидин-4-он (51), 2-оксо-5-нитро-6-метилтиено[2,3-*d*]пиримидин-4-он (53) ва 2-тиоксо-5,6-динитротиено[2,3-*d*]пиримидин-4-онларнинг (55) таркибидаги нитро гуруҳлари синтетик органик кимё нуқтаи-назардан қизиқарли эканлиги сабабли нитрогуруҳларни қайтариш реакциялари борилди. Лекин, реакцияларни реагентлар нисбати, ҳарорат ва вақтнинг ўзгартирилиши ҳосил бўлиши кутилган моно- ва диамино-маҳсулотларга олиб келмади. Реакция давомида ҳосил бўлган моддалар аралашмасини индивидуал ҳолда ажратишнинг имкони бўлмади. Лекин, 5-нитро-6-метилтиено[2,3-*d*]пиримидин-4-он (51) ва 2-оксо-5-нитро-6-метилтиено[2,3-*d*]пиримидин-4-онни (53) метил йодид ва пропаргил бромид билан алкиллаш реакциялари нитро гуруҳнинг электроакцепторлик таъсири натижасида осон кетиши кузатилди:




Алкиллаш реагентларнинг– **51,53**:R-X–1.0:1.2 нисбатдаги аралашмасини курук поташ иштирокида абсолют ацетонда 55-60°C да 4 соат қайнатиб олиб борилди ва яхши унумлар билан алкил маҳсулотлар (**59-62**) олинди ва уларнинг тузилиши спектрал усуллар ёрдамида исботланди.

4-Хлор-, 2,4-дихлор- ва 4-гидразинил-5,6-диметилтиено[2,3-d]пиримидин-4-онларнинг синтези ва кимёвий ўзгаришлари


Субстратлар (**3**, **11**) таркибидаги карбонил гуруҳини хлор атомига алмаштириш учун уларни фосфороксихлорид билан триэтиламин (ТЕА) иштирокидаги ўзаро таъсири амалга оширилди. Реакциялар реагентларнинг **3,11**:POCl₃ - 1:40 нисбатдаги аралашмасини 1.4 эквивалент ТЕА иштирокида мой ҳаммомида 105-110°C да 3 соат қайнатиб олиб борилди ва 2Н-4-хлор-5,6-диметилтиено[2,3-d]пиримидин (**63**, 85%) ва 2,4-дихлор-5,6-диметилтиено[2,3-d]пиримидин (**64**, 64%) юқори унумлар билан олинди:



Олинган **63**-бирикманинг фаоллиги юқори бўлган хлор атомининг турли синф нуклеофил реагентлар - гидразин гидрат, алкоголятлар, пиперидин ва цитизин билан ўзаро таъсири олиб борилди. Хусусан, унинг алкоголятлар (натрий метилат ва натрий этилат) билан реакциялари абсолют метанол ва этанолда реагентларнинг **63**:NaOMe (ёки NaOEt) - 1:4 нисбатдаги аралашмасини 50°C да 1 соат қиздириб олиб борилди ва тегишли эфирлар - 2Н-4-метокси-5,6-диметилтиено[2,3-d]пиримидин (**65**, 86 %) ва 2Н-4-этокси-5,6-диметилтиено[2,3-d]пиримидин (**66**, 71 %) юқори унумлар билан олинди:



